

## ФИТРАТ ИЖОДИ ВА ФАОЛИЯТИГА БИР НАЗАР: "МУНОЗАРА" ВА ИСТАНБУЛДАГИ БУХОРО ХАЙРИЯ ЖАМИЯТИ

Зайнабидин Шарабидинович АБДИРАШИДОВ

Фалсафа фанлари доктори (PhD), доцент

Шарқ тиллари кафедраси

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Тошкент,  
Ўзбекистон

## ВЗГЛЯД НА ТВОРЧЕСТВО И ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ФИТРАТА: «СПОР» И БУХАРСКОЕ БЛАГОТВОРИТЕЛЬНОЕ ОБЩЕСТВО В СТАМБУЛЕ

Зайнабидин Шарабидинович АБДИРАШИДОВ

Доктор PhD, доцент

Кафедра восточных языков

Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы имени Алишера  
Навои, Ташкент, Узбекистан

## GLANCE TO FITRAT'S CREATIVITY AND WORK: "DEBATE" AND BUKHARA CHARITY SOCIETY IN ISTANBUL

Zaynabidin Sharabidinovich ABDIRASHIDOV

Doctor of philosophy (PhD), Associate Professor

Department of Oriental Languages

Tashkent State University of Uzbek Language and Literature named after Alisher Navoi.

Tashkent, Uzbekistan [abdirashidov@gmail.com](mailto:abdirashidov@gmail.com)

---

UDC (УЎК, УДК): 821.512.133(584.4)

### For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования):

Абдирашидов З.Ш. Фитрат ижоди ва  
фаолиятига бир назар: "Мунозара" ва  
Истанбул бухоро жамияти хайрияси //  
Ўзбекистонда хорижий тиллар. — 2020.  
— № 2 (31). — Б. 283-291.

<https://doi.org/10.36078/1590132695>

Received: March, 22. 2020

Accepted: April 14, 2020

Published: April 15, 2020

Copyright © 2020 by author(s).

This work is licensed under the Creative  
Commons Attribution International License (CC  
BY 4.0).

<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>



**Аннотация.** Фитрат XX аср бошлари туркистонлик зиёлиларнинг кўзга кўринган вакилларидан бири. У қисқа давр мобайнида ҳеч ким танимаган мадраса талабаси даражасидан Туркистон жадидчилигининг гоявий етакчиларидан бирига айланиб улгурди. Унинг, Туркияда нашр қилиниб, Туркистонга яширинча олиб келинган "Мунозара" ва "Баёноти сайёхи ҳиндий" деб номланган илк насрый асарлари ўлкада янги усул мактабларининг кенг ёйилишига катта таъсир кўрсатди. У бухоролик ёшлар ичидан биринчилардан бўлиб Истанбулга юборилди. У ерда Фитрат янги ташкил этилган Бухоро хайрия жамияти ишларини юргизиш билан бирга ўқишини ҳам давом этириди. Мақолада Фитратнинг Туркияда, хусусан, Истанбулда Бухоро ёшлари ишларидаги фаолияти таҳлил қилинган. Бундан ташқари, Фитратнинг Туркияга юборилиши ҳамда "Мунозара" асарининг ёзилиши билан боғлиқ масалалар танқидий нуқтаи назардан ўрганилган.

**Калит сўзлар:** Фитрат; Бухоро; Истанбул; хайрия жамияти; "Мунозара".

**Аннотация.** Фитрат — один из видных туркестанских интеллектуалов начала XX века. Он в краткий период времени из неизвестного студента мадраса стал одним из идеологических лидеров туркестанского джадидизма. Его первые произведения "Муназара" (Спор) и "Баянати саяхи

хинди” (Дневник индийского путешественника), изданные в Стамбуле и тайно привезенные в Туркестан, оказали большое влияние на распространение новометодных школ в крае. Он первым из бухарской молодежи был отправлен в Стамбул, где занимался делами newly-учрежденного благотворительного общества Бухары и продолжал свое обучение. В статье делается попытка проанализировать деятельность Фитрата в Турции, в частности, его участия в делах бухарской молодежи в Стамбуле. Кроме того, в статье критически рассмотрен вопрос обстоятельств отправки Фитрата в Стамбул и история создания его произведения “Муназара”.

**Ключевые слова:** Фитрат; Бухара; Стамбул; благотворительное общество; «Муназара».

**Abstract.** Fitrat is one of the prominent Turkestan intellectuals of the early twentieth century. In a short period of time he, an unknown student of madrasa, became one of the ideological leaders of Turkestan Jadidism. His first fictions “Munazara” (Debate) and “Bayanati Sayyahi Hindi” (Diary of an Indian Traveller), published in Istanbul and secretly brought to Turkestan, had a great influence on the spread of new-method schools in Turkestan. Fitrat, one of the first of the Bukhara youth, was sent to Istanbul, where he was engaged in the affairs of the newly established Bukhara charitable society and as well as continued his studies. The article attempts to analyze the activities of Fitrat in Turkey, in particular, his participation in the affairs of Bukhara youth in Istanbul. In addition, the article critically examined the circumstances of Fitrat's sending to Istanbul and the history of the creation of his fiction “Munazara”.

**Keywords:** Fitrat; Bukhara; Istanbul; charity; “Munazara”.

XX аср бошларида бутун Туркистонда янги кучга кира бошлаган жадидчилик ҳаракати ўлқадаги барча соҳалар ишларининг келажагини белгилаб берди. Жумладан, янги адабиёт, публицистика, сиёсат кабилар ҳам шу соҳалар таркибида эди. Давр ушбу йўналишларнинг хахусусиятларини аниқлаб берган намояндадарини ҳам майдонга чиқарди. Улар орасида бухоролик Абдурауф Фитрат алоҳида ўрин тутади. Унинг “Муназара” ва “Баёноти сайёхи Ҳиндий” каби дастлабки насрой асарлари нафақат Бухоро, балки бутун Туркистон жадидларини янада кучлантириди. Садриддин Айнийнинг таъбири билан айтганда, Фитратнинг биргина “Муназара”си давр тараққиётига ғоят кучли ва самарали таъсир кўрсатди (8, 533).

XIX асрнинг охирги чорагида Қиримда дунёга келган “усули жадид” мактаблари Россия империясининг мусулмонлар яшайдиган минтақаларида кенг ёйила бошлади. Мактаблар Туркистонга ҳам ёйилди. Лекин бу мактаблар динга зид келишини даъво қилган уламолар қаршилигига дуч келди. Айниқса, бундай қаршилик Бухорода очилган мактаб атрофида жуда катта жанжалга сабаб бўлди. Фитрат ана шу мактаб жанжали таъсирида яратган “Муназара” асари янги усулдаги мактаблардан мусулмон дунёси шариат юзасидан фойдаланиши мумкинлигини исбот эта олди (15, 6–7). Факат шу асарнинг босилиб чиқиши туфайлигина Бухорода янги усул мактаблари қайта очилди ва улардан мулла-мударрисларнинг тавки лаънатлари олиб ташланди (17).

Фитрат XX аср бошларида ёк ўзининг шеърлари билан ижод ахлига танилган эди. Нематулла Муҳтарам 1903–1904 йиллари тузган тазкирасига Фитрат ижодидан ҳам бир неча намуналарни кирилади (16, 319). Ўша йиллари Фитрат ҳаж сафарига борган ва Шарқ мамлакатлари бўйлаб саёҳат ҳам килган эди (15, 5). Унинг дунёқараси айни шу йиллари қилган саёҳати натижасида шакллангани ва етилганини айтиш мумкин.

Фитратнинг ижоди ва фаолияти ҳақида етарли даражада илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Фитратшуносларнинг деярли барчаси унинг ижоди Туркияда ўқиб юрган йиллари бошланганилиги таъкидлайдилар. Ҳақиқатан ҳам шундай эдими? Бу даврга оид кўп ҳолатларга ҳануз тўлиқ аниқлик киритилгани йўқ. Айрим масалалар борасида баҳслар давом этмоқда. Ушбу кичик тадқиқотда унинг ижоди ва фаолиятидаги айрим жиҳатларга эътибор қаратмоқчимиз.

Маълумки, Фитрат Туркияга ўқиш учун 1910 йилнинг баҳорида (хижрий санаға мувофиқ 1328 йили) Эрон орқали кетади (8, 83; 3, 6, 354). Бу фактни Фитратнинг ўзи ҳам тасдиқлайди. Асарларидан бирида Бухородаги 1910 йил бошларида бўлиб ўтган сунний ва шиа қўзғолони вақтида шаҳарда бўлганини ёзди (20, 19–20).

Фитратнинг ilk асари ҳисобланган “Мунозара” хижрий сана билан 1327 йили, муаллифнинг моддий қийинчиликни кечираётганига қарамай, Истанбулда нашр этилди ва ҳар хил йўллар билан Бухорога олиб келтирилди (8, 102). Хижрий 1327 сана мелодий 1909 йил 23 январь — 1910 йил 12 январь оралиғига тўғри келади. Шундай бўлса-да, айрим тадқиқотчилар “Мунозара” мелодий сана билан 1911 йили нашр қилинганлигини ва бундан келиб чиқиб, Фитратнинг ижоди Туркияда бошланганини исботлашга ҳаракат қиласидилар. Япон олими Ҳисао Коматсу (Hisao Komatsu) “Мунозара” дастлаб – 1911 йили Истанбулда форсча, сўнгра Тошкентда ўзбек ва рус тилларида нашр этилганлигини таъкидлайди (5, 5). Америкалик фитратшунос Эдвард Эдвард (Edward Allworth) ҳам Коматсунинг фикрига таянган ҳолда “Мунозара”нинг нашр йилини 1911 йил деб қайд этган (2, 18) ва Фитратнинг ижодини даврлаштиришга оид тадқиқотида ана шу йилни асос қилиб олади. Худди шундай маълумот айрим ўзбек тадқиқотчиларида ҳам учрайди (7, 235).

“Мунозара”нинг марказида бухорлик ёшлар ташкил этган биринчи форсий “усули жадид” мактаби ва унинг атрофида пайдо бўлган жанжал воқеалари туради. Ушбу мактабнинг тарихига кисқача назар ташлаймиз. Мактаб 1326 хижрий, 10 шаввол куни (1908 йил, 5 октябрь) Садриддин Айний, Абдулвоҳид Мунзим, Ҳомидхўжа Мехрий ва Аҳмаджон маҳдум Ҳамид (бу иккиси Айнийнинг мадрасадош дўстлари эди) тарафидан Абдулвоҳид Мунзим ҳовлисида очилади (8, 32-33). Орадан деярли бир йил ўтиб, 1327 хижрий 20 шаъbon куни (1909 йил, 6 сентябрь) мактабда тантанали очиқ имтиҳон ўtkaziladi (8, 48). Бухорода жадид мактабларини таъқиқланишига олиб келган воқеалар айнан шу куни содир бўлди. Фитрат “Мунозара”ни айнан Бухорода, 1909 йил сентябр–октябрь ойларидан сўнг, мактаб жанжали чиқиб, мутаассиб уламолар галабасидан кейин ёзиб тугаллаган деб айта оламиз. Фитрат бу ҳақда орадан 20 йил ўтиб ёзган бир мақоласида шундай эслайди:

“1908 йилда (Фитрат бу ерда йилни янглиш кўрсатади, асаннинг марказида турган воқеалар 1909 йили содир бўлган эди. Юқорида бу ҳақда ёзib ўтилди – А.З.) ёзганим бир асанимда Бухоро амирига қаратилган бир хатим бор... (бу хат “Мунозара”нинг сўнгида илова қилинган – А.З.) Лекин 8-йилда Бухоро хонлигида ҳукм сурган диний таассубни ва шунга таянган идора усули... ҳибс қилиши, ўлдириши, сангсор (тошбўрон – А.З.) қилиши кундаги одатлардан эди. У замонларда китоб ёзишининг ўзи “коғифрлик” эди. Мен шу вақтларда биринчи асанимни ёздим. Бухоронинг идора усулини, таълим-тарбия усулини, бир кўп расмий идораларни танқид қилдим” (21, 248). Фитратнинг бу сўzlари ҳам “Мунозара”ни айнан Бухорода ёзилганини тасдиқлади.

Ҳ. Коматсу таъкидлаганидек, Фитрат “Мунозара”да Бухоро амири Абдулаҳадни бир ўринда “марҳум” деб тилга олади (5, 7; 19, 48). Фитрат Туркияга йўлга чиққан пайтлари моддий жиҳатдан анча кийналган ва сафари давомида пул топиш учун баъзи жойларда ишлашга ҳам мажбур бўлган эди. Бундан ташқари, у Истанбулда яшаган вақтида укаси Абдураҳмондан моддий ёрдам ҳам олиб турган (10, 18). Эҳтимол, шу боис 1909 йили ёзib тугалланган “Мунозара”ни муаллиф моддий қийинчилик билан бўлса-да, 1911 йили нашр этган. Табиийки, Фитрат бу вақт оралиғида асанини қайта кўриб чиққан ва унга ўзгартиришлар киритган бўлиши керак.

Юқоридаги фикрларни даллиллайдиган яна бир ўрин бор. Бу — “Мунозара” сўнгида Фитратнинг Бухоро ахолисига суннийшия низосига барҳам беришларига чақириғи (10, 68). Маълумки, Бухорода икки мазҳаб ўртасидаги низо анча узоқ йиллардан бери ривожланиб бориб, 1910 йилнинг 8 январида ҳақиқий жанжалга айланди. Бу жанжал тафсилотлари ўша давр вақтли матбуотида ҳам ўз аксини топган (18; 12; 13). Фитрат Бухородаги бу жанжал бошланган вақтда шаҳарда эди. У: “Шанба куни хужрамдан чиқиб Тоқи телпакдўзонга келганимда, элликка яқин муллабаччалар йиғилиб бир нарсани муҳокама қилаётганларини кўрдим. Бориб кулоқ тутдим. Айтишларича, “Самарқанд” дарвозаси ташқарисида тамошага борган икки-уч нафар муллабачча билан эронийлар ўртасида жанжал чиққан. Бу 1328 ҳижрийнинг 10 муҳаррами эди” (20, 19–20). Фитрат ушбу жанжал тафсилотларини баён қиласар экан, бевосита ўзи гувоҳ бўлган воқеа-ходисалардан баҳс қиласи (20, 20–23). Ушбу тафсилот эса, Ҳ.Болтабоевнинг “Фитратнинг шиа-суннийлар нифоки пайтида Бухорода бўлмаган” (10, 19), деган фикрини тасдиқламайди.

Фитрат асанини Истанбулда чоп эттиришига ҳам бир неча омилларни сабаб қилиб кўрсатиши мумкин. Асаддаги исломчилик руҳининг кучлилиги, Бухоро ҳукумати ва уламоларини ҳаддан ортиқ қаттиқ танқид қилиниши рус Туркистони ёки Кавказ матбааларида уни чоп этишга имкон бермасди. Нашрга цензуранинг руҳсат бермаслиги аниқ эди. Садриддин Айнийнинг ёзишича, бу даврда Фитратнинг эски адабиёт ва диний илмлардан ташқари, янги адабиёт таъсирида фикри анча ўсган, атроф мамлакатларга саёҳат қилиб, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий соҳалардан ҳамда Бухоронинг ҳақиқий аҳволидан жуда яхши хабардор бўлган (8, 101). Демак, Туркияга кетмасдан

олдинок Фитратнинг сиёсий ва ижтимоий қараашлари анча этилган эди. Туркияда у ўз қараашларини янада мукаммалаштириди ва кенгайтириди. “Мунозара”нинг мазмуни ҳам бу фикрларни тасдиқлади.

Истанбулда чоп этилган “Мунозара” Бухорога турли яширин йўллар билан олиб келинди. “Мунозара”нинг асл форсча матнини ҳатто 1914 йилда ҳам Россия империяси худудига олиб кириш Петербургдаги чет эл нашрлари цензорлиги томонидан таъкиқланди (1, 482–483).

“Мунозара”ни Ҳожи Муин (1883–1942) ўзбек тилига таржима қилди ва асар дастлаб “Туркистон вилоятининг газети”да (1912 йилги сонлар) (23), 1913 йили китобча шаклида Тошкентда босилиб чиқди (22). Фитрат асарининг ушбу таржимасида муаллифнинг асосий исломчилик фикрлари, Россия ва Бухоро ҳукуматлари ва уламолар танқидлари деярли чиқариб ташланган ва Ҳожи Муин тарафидан руслар сиёсатига мос келадиган айрим фикрлар киритилган. Шу сабадан бўлса керак, Н.Остроумов ўз газетасида бу таржимани босишга руҳсат берган. Фикримизнинг тасдиқи сифатида Ҳожи Муин тарафидан “Мунозара” таржимасига киритилган ўзгаришлардан биттасини келтирамиз: Фитратнинг Абдурашид Иброҳимов ва Японияда ислом ёйилишига оид мулоҳазаларини (7, 55) таржимон рус ёзувчиси Толстой ва унинг асарларидаги инсонийлик, халқ учун beminnat хизмат ғоялари борасидаги гаплар (22, 13) билан алмаштиради.

Шу ўринда яна бир муҳим масалага ойдинлик киритишга тўғри келади. Бу Истанбулда 1909 йилнинг октябрида ташкил этилган “Бухоро таъмими маориф жамияти хайрияси” масаласи. 1910 йили Фитрат ва яна бир неча Бухоро ёшларининг Туркияга келиб ўқишли Бухорода тузилган “Ширкати Бухоройи шариф” ёки “Тарбияи атфол” тарафидан эмас, айни Истанбулда ташкил этилган юқоридаги жамият тарафидан амалга оширилди.

“Ширкати Бухоройи шариф” Бухорода очилган биринчи янги мактабни китоб ва дарсликлар билан таъминлаш мақсадида 1327 хижрий рабиу-л-аввал ойининг ўрталарида (1909 йил апрель) ташкил этилган (3, 50). Ширкат очилган мактабни тартибга келтириш, бухороликлардан мактаб ишига хайриҳоҳ кишиларни етиштириш мақсадида тажриба ўрганиш учун, Садриддин Айнийнинг ёзишича, “эски рафиқларимиздан Ҳомидхўжа Мехрий янги фикрдошимиз Усмонхўжа Пўлатхўжа билан Боғчасарой ва Истанбулга юбормоқчи бўлдик” (3, 51). Ҳ.Болтабоев Ҳомидхўжа Мехрийни “қадимчи ўрток” деб тилга олади (10, 17). Қадимчи дегани жадидларга қарши турган гуруҳ вакилларига нисбатан кўлланилган. Бу жойда Ҳ. Болтабоев “эски” сўзини “қадимчи” деган мъянода нотўғри талқин қилган.

Баъзи манбаларда Истанбул жамияти хайрияси Бухородаги “Тарбияи атфол” жамиятининг бўлими сифатида очилганлиги айтилади (6, 354; 6, 20). Аксинча, “Тарбияи атфол” Истанбул жамияти хайриясининг бўлими сифатида ташкил этилган. “Тарбияи атфол” жамияти 1328 хижрий 28 зулқаъда куни (1910 йилнинг 1 декабрида) ташкил этилди (8, 97) ва кейинги йиллар давомида ушбу жамият Туркияга талаба юбориш билан шугулланди (8, 100). Ҳ. Болтабоев ўз тадқиқотида “Ширкати Бухоройи шариф” билан яширин жамият “Тарбияи атфол”ни

адаштириб юборган кўринади. Унинг ёзишича, “Тарбияи атфол” яширин жамияти 1909 йил 18 июнда тузилган (10, 17). X. Болтабоев мазкур маълумотни беришда Садриддин Айнийнинг 1963 йили нашр қилингандан саккиз жилдлигининг биринчи жилдидан ўрин олган “Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар”ига таянган. Лекин тадқиқотчи асарда кўрсатилган 1328 ҳижрий 28 зулқаъдан 1909 йил 18 май деб кўрсатган. Бу сана юкорида кўрсатиб ўтилганидек, 1910 йил 1 декабрга мос келади.

Айнийнинг эътироф этишича, “Тарбияи атфол” жамияти ташкил этилган вақтда унинг ўзи ҳам тузувчилар қаторида бўлмаган ва жамиятга кейинроқ аъзо бўлиб кирган (3, 147).

Истанбул жамияти хайриясининг ташкилотчилари кимлар эди? 1327 ҳижрий 1 рабиъ ал-аввал куни (1909 йил 23 март) ташкил этилган “Ширкати Бухорий шариф” Бухорода “усули жадид” мактабларини кўпайтириш, ўқитиш усулларини яхшилаш ва дарсликлар билан таъминлаш мақсадида Ҳомидхўжа Мехрий билан Усмонхўжа Пўлатхўжа ўғлини Богчасарой ва Истанбулга юборди. Улар Туркиядага 2 йил (4, 20) қолмайдилар, балки 3 ой давомида саёҳатда бўлиб Бухорога қайтиб келадилар (8, 40-41). Катта эҳтимол билан бу икки шахс Туркиядага бўлган вақтларида у ерда истиқомат қилаётган туркистонликлар ёки Истанбулдаги баъзи жамиятлар билан у ерга талаба олиб бориш масаласини ҳам музокара қилган бўлишлари мумкин.

X. Болтабоевнинг ёзишича, “Истанбулга етиб келган Фитрат ва Бухоро ёшлари шу йилнинг кузига (сентябрга) бориб, “Жамияти таъмими маорифи Бухоро” (“Бухоро умумий маориф жамияти”) номли хайрия жамияти тузади... Манбаларда ушбу жамиятнинг раҳбари сифатида Фитрат ва Усмонхўжа кўрсатилади” (10, 19). X. Болтабоев ушбу фактларни келтирадар экан, уларнинг манбаларини кўрсатмайди.

Усмонхўжа бир неча киши билан Фитратдан бироз эртароқ (8, 83), яъни 1910 йилнинг январь-февраль ойларида Туркияга иккинчи бор, энди талаба сифатида сафар қилди. Фитрат ва Усмонхўжа Истанбул жамиятининг таъсисчилари қаторидан ўрин олмаслиги ўз-ўзидан аён. Усмонхўжа Ҳомидхўжа Мехрий билан Богчасарой ва Истанбулга 1909 йил май ойида жўнаб кетади ва орадан 3 ой ўтиб, яъни 1909 йил август ойида яна Бухорога қайтиб келган. Истанбулда 2 ойга яқин қолган бўлишига қарамай, яқиндагина жадидлар сафига келиб қўшилган Усмонхўжа нотаниш муҳитда жамият таъсис қилиши мантиқа у қадар тўғри келмайди. Усмонхўжа Бухоро мактаблари учун муаллим етиштириш мақсадида Истанбулга кейинроқ ўқувчилар юбориш масаласини у ердаги муқим туркистонлик ёки бухороликлар билан музокара қилган бўлиши мумкин.

X. Болтабоев “Бухоро таъмими маориф жамияти” низомномасига ёзган сўзбошида “Жамият 1909 йил 26 Экимда (сентябрда) Истанбулда Абдурауф Фитрат ва Усмон Хўжа каби бухоролик жадидлар томонидан курилган” и ёзиб қўйилган” (10, 20), деб таъкидлайди. Ваҳоланки, низомномада (11) сўзбоши йўқ. Унинг устки варагида жамият 1327 ҳижрий 11 шаввол (1909 йил 25 октябрь)да таъсис этилгани кўрсатилган. Низомнома 8 бет, 3 бобдан иборат. Биринчи боб “Бухоро таъмим маориф жамияти хайриясининг низомномаи асосийси” деб номланади ва 1 фасл

(Ижтимои фавқулода, ижтимои умумий, ижтимои оддий), 17 моддадан (11, 2–5), иккинчи боб “Жамиятга қабул эдилажак талаба ҳакинда шароит” деб номланган бўлиб, 7 моддадан (11, 5–6), учинчи боб “Бухоро таъмими маориф жамияти хайриясининг хатти-харакатидир” деб номланган ва 14 моддадан (11, 6–8) иборат.

Истанбул жамияти нашр этган низомномада унинг таъсисчилари кўрсатилмаган. Бундан ўз вақтида Исмоил Гаспринский ҳам таажжубланган эди. Чунки у вақтда ҳам ҳар қандай жамият таъсис қилинар экан, унинг таъсисчилари албатта кўрсатилиши лозим эди. И.Гаспринскийнинг ёзишича, бу жамиятни Истанбулда муқим яшаётган мовароуннахрлик ва бухороликлар таъсис этган (14).

Юкоридагиларни хulosалайдиган бўлсақ, Фитрат дунёкарашининг замонга мос тарзда шакланиши ва ижодининг бошланиши Истанбулда эмас, унинг ватани Бухорода кечди. Истанбул жамияти хайриясининг таъсисида Бухородан талаба сифатида борган Усмонхўжа, Фитрат ва бошқа талабалар иштирок этмаган. Унинг ташкилотчиларини аниқлаш эса кейинги тадқиқотлар учун яна очиқ қолмоқда.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Adam V. Rußlandmuslime in Istanbul am Vorabend des Ersten Weltkrieges: die Berichterstattung osmanischer Periodika über Rußland und Zentralasien. Frankfurt a.M, 2002. — 512 s.
2. Allworth E. A. The Preoccupations of ‘Abdalrauf Fitrat, Bukharan Nonconformist: An Analysis and List of His Writings. Berlin: Des Arab. Buch, 2000. — 72 p.
3. ‘Aynī Sadr al-Dīn. *Bukhārā inqilābīning ta’rīkhī*. Shimada Shizuo, Sharifa Tosheva (eds.). NIHU Program Islamic Area Studies TIAS: Department of Islamic Area Studies, Center for Evolving Humanities, Graduate School of Humanities and Sociology, The University of Tokyo. 2010. — 299 p.
4. Kocaoğlu T. (ed.). The Reform Movements and Revolutions in Turkistan (1900-1924). SOTA, Haarlem 2001. — 499 p.
5. Komatsu H. 20. Yüzyıl Başlarında Orta Asya'da Türkçülük ve Devrim Hareketleri. Ankara, 1993. — 79 s.
6. Togan A. Z. V. Bugünkü türkili Turkistan ve yakın tarihi. Cilt I. İstanbul, 1942–1947. — 696 s.
7. Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. 1-жилд: Шеърлар, насрый асарлар, драмалар — Тошкент: Маънавият, 2000. — 256 б.
8. Айни С. Таърихи инқилоби Бухоро. — Душанбе: Адиб, 1987. — 240 б.
9. Айни С. Намунаи адабиёти тожик. — Душанбе: Адиб, 2010. — 448 б.
10. Болтабоев X. Фитрат ва жадидчилик. — Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. — 215 б.
11. Бухоро таъмими маориф жамияти хайриясининг Низомнома ва Хатти Ҳаракатидир. — Истанбул: Матин босмахонаси, 1327. — 8 б.
12. Исмоил. Бухоро масаласи. // Таржимон, №5, 29.01.1910. — 2 б.

- 13.Исмоил. Бухорои шариф воқеаси. // Таржимон, №4, 22.01.1910. — 1–2 б.
- 14.Истанбулда Бухоро жамияти хайрияси. // Таржуман, №52, 25.12.1909. — 3 б.
- 15.Қосимов Б. Аллома адаби. — Фитрат. Чин севиш. Шеърлар, драмалар, мақолалар. — Тошкент: F.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1996. — 3–22 б.
- 16.Муҳтарам Ҳоҷӣ Неъматуллоҳ. Тазкирату-ш-шуаро. — Душанбе: Дониш, 1975. — 369 с.
- 17.Раҳимова Г. “Мунозара” – “уйғониш даракчиси”. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1989 йил 52-сон. — 3 б.
- 18.Телеграм. Дохилия хабарлари. // Таржимон, №3, 13.01.1910. — 3 б.
- 19.Фитрат Бухорий. Мунозараи мударриси бухорий бояк фарангӣ дар Ҳиндустон. Истанбул: Матбааи исломияи Ҳикмат. 1327. — 68 б.
- 20.Фитрат. Давраи ҳукмронии Амир Олимхон. Ҳозиркунандай нашр А.Насриддинов. Душанбе: Палатай давлатийи китобҳо, 1991. — 62 с.
- 21.Фитрат. Ёпишмаган гажжаклар. Ўртоқ Бойбўлатовга очиқ хат. — Фитрат. Чин севиш. Шеърлар, драмалар, мақолалар. Тошкент: F.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1996. — 242–253 б.
- 22.Фитрат. Ҳиндиёндада бир фарангӣ ила бухороли бир мударриснинг бир неча масъалалар ҳам усули жадида хусусида қилган Мунозараси. Ташкент, Типо-Литография В.М.Ильина, 1913 г. — 41 б.
- 23.Ҳожи Муин Шукруллоҳ. Беседа француза с бухарским мударрисом (бухоролик мударрис ила бир фарангини Ҳиндиёндада макотиби жадида хусусинда ўлан мунозараси). // Туркистон Вилоятининг Газети, 1911, №63–66, 68–74. — 2–3 б.

### References

1. Adam V. *Rußlandmuslime in Istanbul am Vorabend des Ersten Weltkrieges: die Berichterstattung osmanischer Periodika über Russland und Zentralasien* (Russian Muslims in Istanbul on the eve of the First World War: The Reporting of Ottoman periodicals about Russia and Central Asia). Frankfurt a.M, 2002, 512 p.
2. Allworth E. A. *The Preoccupations of 'Abdalrauf Fitrat, Bukharan Nonconformist: An Analysis and List of His Writings*. Berlin: Des Arab. Buch, 2000, 72 p.
3. 'Aynī Sadr al-Dīn. *Bukhārā inqilābīning ta'rīkhī* (History of Bukhara Revolution). Shimada Shizuo, Sharifa Tosheva (eds.). NIHU Program Islamic Area Studies TIAS: Department of Islamic Area Studies, Center for Evolving Humanities, Graduate School of Humanities and Sociology, The University of Tokyo. 2010, 299 p.
4. Kocaoğlu T. (ed.). *The Reform Movements and Revolutions in Turkistan (1900-1924)*. SOTA, Haarlem 2001, 499 p.
5. Komatsu H. 20. *Yüzyıl Başlarında Orta Asya'da Türkçülük ve Devrim Hareketleri* (The Turkism and Revolutionary Movements in Central Asia in the Early 20<sup>th</sup> century). Ankara, 1993, 79 p.

6. Togan A. Z. V. *Bugünkü türkili Turkistan ve yakin tarihi* (Todays Turkestan and its Recent History). Istanbul, 1942–1947, Vol.1, 696 s.
7. Abdurauf Fitrat. *She'rlar, nasriy asarlar, dramalar* (Poems, Fictions and Dramas). Tashkent: Ma'naviyat, 2000, Vol.1, 256 p.
8. Ayni S. *Ta'rifi inqilobi Buxoro* (History of Bukhara Revolution). Dushanbe: Adib, 1987, 240 p.
9. Ayni S. *Namunai adabiyoti tojik* (Tajik Literature Examples). Dushanbe: Adib, 2010, 448 p.
10. Boltaboev H. *Fitrat va jadidchilik* (Fitrat and Jadidism). Tashkent: O'zbekiston Milliy kutubxonasi nashriyoti, 2007, 215 p.
11. *Buxoro ta'mimi maorif jamiyati xayriyasining Nizomnomma va Xatti Harakatidir* (Statutes and Line of Conduct of the Charity Society of Bukhara for the Dissemination of Education). Istanbul: Matin, 1327, 8 p.
12. Ismail. Buxoro masalasi (Bukhara Issue). *Tarciman*, 5, 29.01.1910, p. 2.
13. Ismail. Buxoroi sharif voqeasi (Noble Bukhara Incident). *Tarciman*, 4, 22.01.1910, pp. 1–2.
14. Istanbulda Buxoro jamiyati xayriyasi (Bukhara Charity Society in Istanbul). *Tarciman*, 52, 25.12.1909, p. 3.
15. Qosimov B. "Alloma adib" (Great Author). In Fitrat. *Chin sevish. She'rlar, dramalar, maqolalar* (True Love. Poems, Dramas and Articles). Tashkent: G'afur G'ulom nomidagi adabiyot va san'at nashriyoti, 1996, pp. 3–22.
16. Muhtaram Hoji Ne'matulloh. *Tazkiratu-sh-shuaro* (Collection of Poets). Dushanbe: Donish, 1975, 369 p.
17. Rahimova G. "Munozara" – "uyg'onish darakchisi" ("Debate" – "Harbinger of Rebirth"). *O'zbekiston adabiyoti va san'ati*, 4, 1989, p. 3.
18. Telegram. Doxiliya xabarlari (Telegram. Internal News). *Tarciman*, 3, 13.01.1910, p. 3.
19. Fitrat Buxoriy. *Munozarai mudarrisi buxoriy boyak farangi dar Hinduston* (Debate of Bukharan Teacher with European in India). Istanbul: Matbaa-i Islamiya-i Hikmat, 1327, 68 p.
20. Fitrat. *Davrai hukmronii Amir Olimxon* (Reign of Amie Alimkhan). Dushanbe: Palatayi davlatiyi kitobho, 1991, 62 p.
21. Fitrat. "Yopishmagan gajjaklar. O'rtoq Boybo'latovga ochiq xat" (Unfound Accusations. Open Letter to Comrade Baybulatov). In Fitrat. *Chin sevish. She'rlar, dramalar, maqolalar* (True Love. Poems, Dramas and Articles). Toshkent: G'afur G'ulom nomidagi adabiyot va san'at nashriyoti, 1996. — 242–253 b.
22. Fitrat. *Hindistonda bir farangi ila buxoroli bir mudarrisning bir necha mas'alalar ham usuli jadida xususida qilgan Munozarasi* (Debate of Bukharan Teacher with European in India on a Few Things and New Method). Tashkent, Tupo-Litografiya V.M.II'in, 1913, 41 p.
23. Hoji Muin Shukrulloh. "Beseda fransuza s buxarskim mudarrisom" (Conversation of Franchman with Bukharan Teacher). *Turkiston Viloyatining Gazeti*, 63–66, 68–74, 1911, pp. 2–3.